

	Электрон Тендер савдолари яқунларига кўра (etender.uzex.uz/ 196352-сонли лот) <b>№ 3/2022-сонли БОШ ЕЛИШУВ</b>	<b>GENERAL AGREEMENT No.3/2022</b> on the basis of electronic tenders (etender.uzex.uz/ lot-196352)
	Тошкент шаҳри 22.12.2022йил	Tashkent dated by 22.12.2022 y
	Келгусида Сотувчи деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи, Xining Jiagedagi Trading Co., Ltd (ХХР) директор жаноб Yang Weng Hui сиймосида, бир томондан, ва келгусида Буюртмачи деб номланувчи, Низом асосида иш юритувчи <b>Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти</b> , Институт директори т.ф.д, пофессор <b>Ш.Ш. Сағдуллаев</b> сиймосида, иккинчи томондан, ушбу Бош келишувни шу ҳақида туздилар:	Xining Jiagedagi Trading Co., Ltd represented by Yang Weng Hui, director of company, acting on the basis of Charter, hereinafter referred to as the Seller, on the one part, and <b>The Institute of the Chemistry of Plant Substances named acad. S. Yu Yunusov of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan</b> , represented by <b>Dr. Sagdullaev Sh.Sh.</b> , acting on the basis of Charter, hereinafter referred to as the Buyer, on the other part, have concluded this General Agreement as follows:
<b>1.</b>	<b>БОШ КЕЛИШУВ ПРЕДМЕТЛАРИ</b>	<b>SUBJECT OF GENERAL AGREEMENT</b>
1.1.	Сотувчи Буюртмачи аризасига биноан Буюртмачининг шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Шимол парписи илдизпояси билан илдизи (Aconitum Septentrionales) ўсимлик хом-ашёсини (Товар) партияларга бўлган ҳолда етказиб беришни, Буюртмачи эса ушбу келишув шартларига мувофиқ товарни қабул қилиб олиш ва товар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.	The seller undertakes to deliver the Roots of Aconitum septentrionales (Goods) at the request of the Customer in batches for their own production needs, and the Customer undertakes to accept the goods and pay for them in accordance with the terms of this agreement
<b>2.</b>	<b>КЕЛИШУВ НАРХИ ВА УМУМИЙ МИҚДОРИ</b>	<b>PRICE AND TOTAL AMOUNT OF THE AGREEMENT</b>
2.1.	Товарнинг бир ўлчов бирлиги учун нархи 7,12 АҚШ доллари. Етказиб берилиши зарур бўлган товарнинг умумий миқдори 160 000 кг ни, умумий нархи эса 1 139 200 (бир миллион бир юз ўттиз тўққиз минг икки юз) АҚШ Долларини ташкил этади.	The unit price is 7,12 US dollars. The total amount of goods supplied is 160 000 kg for a total amount of 1 139 200 (one million one hundred thirty nine thousand two hundred) US dollars.
2.2.	Нархлар қатъий, бир марталик ва ушбу Бош Келишув тўлиқ бажарилмагунга қадар улар ўзгартирилмайди.	Prices are firm, one-time and are not subject to change until the full execution of this General Agreement.
2.3.	Товар нархи товарни СРТ Ташкент (ИНКОТЕРМС 2010) етказиб бериш шартлари асосида белгиланади ва товарни упаковка, маркировка қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида божхона расмийлаштирувини амалга ошириш харажатларини ўз ичига олади.	Prices for the Goods are determined on the terms of delivery of CPT Tashkent (INCOTERMS 2010) and include the cost of packaging, labeling, customs clearance outside the territory of the Republic of Uzbekistan.
<b>3.</b>	<b>ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ</b>	<b>ORDER AND TERMS OF DELIVERY</b>
3.1.	Товар Буюртмачига тарафлар томонидан келишилган партиялар билан товарнинг етказиб бериладиган ҳар бир партияси учун тузиладиган алоҳида шартномаларга мувофиқ етказиб берилади.	The goods are delivered to the Customer by the parties agreed by the parties in accordance with separately concluded contracts for each delivered consignment of goods.
3.2.	Товар билан бир вақтда Буюртмачига	The following documents will be sent to the



	<p>куйидаги хужжатлар юборилади:  хисоб-фактура (инвойс) – 1 асли;  қадоқлаш варағи – 1 асли;  темир йўл транспорт юк хати – 1 асли;  товарнинг келиб чиқиш сертификати – 1 асли;  фито санитария варақаси – 1 асли;  экспорт декларацияси – 1 асли ёки 1 дубликат;  лаборатория таҳлил варақаси – 1 асли ёки 1 дубликат</p>	<p>Buyer with the whole lot of shipped Goods:  -- Supplier's Invoice – 1 original;  - Packing list – 1 original;  - Railway Bill – 1 original;  - Certificate of Origin – 1 original;  - phytosanitary sheet – 1 original;  - Export declaration – 1 original or 1 photocopy.  - laboratory analysis sheet - 1 original or 1 photocopy.</p>
3.3.	<p>Товарни етказиб бериш СРТ (ИНКОТЕРМС 2010) шартлари асосида ҳар қандай турдаги транспорт орқали амалга оширилади. Товарни етказиб бериш санаси деб товарни етказиб бериш манзилида товар юк хатида божхона органлари томонидан белги қўйилган сана ҳисобланади. Етказиб берилган санадан эътиборан 5 иш куни мобайнида Буюртмачи Сотувчига факс орқали Ўзбекистон Республикаси божхона органи томонидан белги қўйилган юк хати нухасини юборади. Товарни юклашдан 24 соат олдин Сотувчи оператив алоқа орқали Буюртмачига юк хати санаси ва рақами, жойлар сони ва товарнинг манзилга етиб келиши бўйича режалаштирилган сана тўғрисида хабар беришга мажбур.  Товарни қайта юклаш ва қисмларга бўлиб етказиб беришга рухсат этилади.</p>	<p>Delivery of the Goods is carried out by any type of transport on CPT terms (INCOTERMS 2010).  The date of the stamp of the custom authorities of the Republic of Uzbekistan in the bill confirming the arriving of the Goods to the destination point understands as the delivery date. The Buyer had to send a fax copy of the bill, marked by the Customs Service of the Republic of Uzbekistan within 5 business days after shipment. 24 hours prior the beginning of the shipment the Seller is obliged to notify the Buyer by means of operational communication about the shipment date, the date of issue and the waybill number, the quantity of places and expected date of production arrival to the point of destination.  Transshipment and partial shipments are allowed.</p>
3.4.	<p>Товарни миқдор ва сифат бўйича қабул қилиш упаковка варағи ва ишлаб чиқарувчи завод томонидан тақдим этилган сифат сертификатиға мувофиқ амалга оширилади.</p>	<p>Acceptance of the Goods in terms of quantity and quality is carried out in accordance with the packing list and the quality certificate issued by the manufacturer.</p>
3.5.	<p>Намлиқнинг 14%дан кўп бўлмаслиғи ва лаппаконитин миқдорининг 0,6% дан кам бўлмаслиғи махсус талаблар саналади.</p>	<p>Special requirements are – moisture not more than 14%; assay of lappaconitine not less than 0,6%.</p>
3.6.	<p>Товар сифати, упаковкиси, маркировкаси ва кафолат мажбуриятлари бўйича талаблар ушбу келишувнинг 3.1. бандига асосан алоҳида тузиладиган шартномаларда қайд этилади.</p>	<p>Requirements for the quality of goods, packaging, labeling and warranty obligations are negotiated in separately concluded contracts, in accordance with clause 3.1 of this agreement.</p>
4.	<p><b>ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ</b></p>	<p><b>PAYMENT PROCEDURE</b></p>
4.1.	<p>Буюртмачи томонидан етказиб берилётган товар ҳақиқатдан етказиб берилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасида эркин муомалага чиқариш учун расмийлаштирилган (ГТД, импорт-40) кундан бошлаб 30 календар куни мобайнида 100% тўловни Етказиб берувчининг ҳисоб рақамиға тўлаб берилади.</p>	<p>Buyer makes 100% payment to the account of the Seller agreed by the parties (at the request of the Buyer). Contract Payment will be made by the Buyer within 30 calendar days after the customs clearance for the free circulation of goods in the Republic of Uzbekistan (CD, import-40) by direct bank transfer to the account of the Seller</p>
4.3.	<p>Тўловлар харидор томонидан хом-ашё ҳақиқатдан етказиб берилгандан сўнг хом-ашёнинг ҳар бир партияси учун алоҳида тузиладиган шартномалар асосида ушбу бош келишувда кўрсатилган хом-ашё тўлик</p>	<p>Payment is made by the buyer upon delivery of raw materials for each separately entered into contract for each batch until the total amount of raw materials specified in this general agreement is received.</p>

	ҳажмда етказиб берилгунга қадар амалга оширилади.	
4.2.	Шартномани бажариш билан боғлиқ барча харажатлар Буюртмачи ҳудудида Буюртмачи томонидан, Харидор ҳудудида эса Харидор томонидан тўлаб берилади.	All charge related to the maintenance of the Contract on the territory of the Customer are paid by the Customer, and on the territory of the Seller are paid by the Seller.
5.	<b>ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ ВА ТОМОНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ</b>	<b>PENALTY SANCTIONS AND REMOVAL OF THE PARTIES FROM RESPONSIBILITY</b>
5.1.	Товар ўз вақтида етказиб берилмаган ҳолларда Сотувчи Буюртмачига товар етказиб берилмаган ҳар бир кун учун ўз вақтида етказиб берилмаган Товар нархининг 1% миқдоридан пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдори Шартнома умумий қийматининг 30%дан кўп бўлмаслиги лозим.	In case of a delay with delivery of the Goods against terms established by the present Contract the Seller pays to the Buyer the penalty at a rate of 0,1% of the cost of unfulfilled part of the obligation per every day of delay, but the total amount of the penalty should not exceed 30% of the Contract value.
5.2.	Жарима тўлаш томонларни Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.	The payment of the penalty does not release any of the parties from the obligation discharge under the Contract.
5.3.	Томонлардан бири ушбу келишув бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмайдиган ҳолатлар юзага келганда, мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар амал қиладиган муддат билан бир хил вақтга ортга сурилади. Бундай ҳолатларга қуйидагилар киради: ёнғин, сув тошқини, иқлим билан боғлиқ бошқа табиий офатлар, ҳарбий операциялар, ҳукумат қарорлари, экспорт ёки импортни тақиқловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, яна томонлар иродасига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар.	In the event of circumstances in which a party is unable to fully or partially fulfill its obligations under this agreement, the deadlines for the fulfillment of obligations are postponed in proportion to the time during which such circumstances will operate. Such circumstances include: fire, flood, other natural disasters of climatic origin, military operations, government decisions, the adoption of regulations on the prohibition of exports or imports, as well as other circumstances independent of the will of the parties.
5.4.	Ушбу келишув бўйича мажбуриятларини бажаришнинг имконият йўқ бўлган ҳолат юзага келган томон зудлик билан иккинчи томонга мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳолат юзага келгани ва ушбу ҳолат яқунланганлиги тўғрисида хабар бериши лозим.	The party for whom the impossibility of performance of obligations under this agreement has been created must immediately notify the other party of the occurrence and termination of circumstances interfering with the fulfillment of obligations.
6.	<b>БАҲСЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ</b>	<b>SETTLEMENT OF DISPUTES</b>
6.1.	Ушбу келишув бўйича мажбуриятларни бажариш жараёнида юзага келган барча баҳсли ҳолатлар ва келишмовчиликлар тарафлар томонидан музокара йўли билан ҳал этилади.	The Seller and the Buyer will do everything possible to settle all disputes and disagreements, which may arise under or in connection with the Contract in a peaceful way.
6.2.	Томонлар музокаралар йўли билан келишувга эришолмаган ҳолларда, барча баҳсли ҳолатлар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ суд орқали ҳал этилади.	In case the parties fail to reach an agreement, everything will be decided in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan.
7.	<b>КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР</b>	<b>ADDITIONAL PROVISIONS AGAINST CORRUPTION</b>
7.1	Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва	The parties agree not to commit corrupt actions related to the contract during the

	ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.	contract's conclusion, during the contract's validity period and after the expiration of this period.
7.2	Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.	The parties shall take measures to prevent corruption specified in the additional anti-corruption provisions of the contract recognize and cooperate in their compliance
7.3	Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.	At the time of the conclusion of the contract, each party directly declares that it or its executive bodies, officials and employees have not illegally given money or material valuables in connection with the relations related to the contract, that they have not been allowed to receive informal money or other material valuables in return for the conclusion of the contract, have not been invited to give them guarantees that it has not been promised, and that it has not received material or any kind of benefits, advantages (and has not given the impression that it may perform such actions in the future) The parties, the persons engaged by them within the framework of the contract (of auxiliary contracting organizations, agents and other persons under the control of the parties) the above actions will take reasonable measures to prevent it from happening.
7.4.	Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рұхсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий	The parties are civil servants, political parties, as well as their executive bodies, officials and the following actions directly or indirectly by employees at any time and in any form (including third through persons) does not allow: a) obtaining licenses and permits from regulatory bodies, taxing, customs clearance, court proceedings, legislative process and other areas offering, promising, giving material or immaterial benefit to or by the above persons in order to gain or maintain a commercial or other kind of advantage; b) the legalization of illegally obtained

<p>ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарти.</p>	<p>income, as well as, if it is known to the parties that the property is the income obtained from criminal activity, giving a legal tone to its origin by transferring it, turning it into property, or exchanging it, the original nature of such funds or other property, disposal of the source, location to conceal the method of delivery, transfer, real ownership rights to funds or other property or to whom it belongs;</p> <p>c) incitement, inducement, pressure or threat to commit corruption offence. In this case, one party must immediately notify the other party and the competent state authorities.</p>
<p>7.5 Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.</p>	<p>The parties are under the control of the parties and act on their behalf when conducting negotiations on the conclusion of agreements for the realization and transfer of goods, works and services, obtaining licenses, permits and other documents of a permissive nature or performing other actions in their interests.</p> <p>to persons who do - not to use them as intermediaries to carry out corrupt actions;</p> <p>- their production only in the course of ordinary daily activities of the parties</p> <p>recruitment based on necessity; - not to make unjustified overpayments to them for the services provided within the framework of the law.</p>
<p>Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини</p>	<p>Parties are against corruption by persons under their control and acting on their behalf they guarantee that they will not be penalized for reporting cases of violations of the obligations specified in the additional terms.</p> <p>If one party becomes aware that the other party has committed a violation of the obligations specified in clauses 12.4 and 12.5 of</p>

	<p>кафолатлайдилар. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 12.4- ва 12.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.</p>	<p>the additional anti-corruption terms, it shall immediately inform the other party about this and request that this party take appropriate measures within a reasonable period of time and inform it about the actions taken.</p> <p>At the request of the party, if the other party does not take appropriate measures to eliminate violations within a reasonable period of time or does not inform about the results of the review, this party has the right to demand full compensation for the damage.</p>
8.	<b>БОШҚА ШАРТЛАР</b>	<b>OTHER CONDITIONS</b>
8.1.	Ушбу келишувга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма шаклда бажарилган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.	All Supplements and Addendum to the present Contract are valid on condition that they are fulfilled in written form and signed by both Parties and certified by seal.
8.2.	Ушбу бош келишув Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2023 йил 31 декабрга қадар амал қилади.	This general agreement comes into force from the moment of its registration in the Treasury of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan in accordance with the current legislation and will be valid until December 31, 2023.
8.3.	Ушбу бош келишув икки нусхада, узбек ва инглиз тилларида, келишув томонларининг ҳар бири учун биттадан нусхада тузилган. Иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга. Узбек ва инглиз тилида тузилган нусхаларда тушунмовчиликлар бўлганда устунлик узек тилидаги матнга тақдим этилади.	<p>This Contract is in duplicate (in and English), one copy to each Party and both have equal legal power.</p> <p>In case of variant reading text, the Uzbek language has a priority.</p>
9.	<b>ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:</b>	<b>LEGAL ADDRESS AND REQUISITES</b>
9.1.	<b>Буюртмачи</b> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти	<b>Buyer:</b> Institute of the Chemistry of Plant Substances named acad. S. Yu Yunusov of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
9.2.	Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 Телефонлар: 71 262-71-09, 71 262-59-13 Факс: 71 262-73-48	Address: Uzbekistan, Tashkent, 100170, M.Ulugbek street, 77 Phone: 71 262-71-09, 71-262-13 Fax: 71 262-73-48
9.3.	<b>Банк реквизитлари:</b> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги Манзил: Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 29 х/р: 23402840900100001011 ЎР ФА академик С.Ю. Юнусов номидаги	<b>Banking details:</b> Treasury Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, Address: Tashkent, Istiklol str., 29  Account number: 23402840900100001011 Institute of Plant Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

	<p>Ўсимлик моддалари кимёси институти Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 x/p:400110840262697015100043001 СТИР:200 540 541 <b>Тўловчи банки:</b> CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, TASHKENT Манзил: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов проспекти, 6 SWIFT CODE: CBUZUZ22 МФО 00014 TASHKENT, UZBEKISTAN СТИР 201053774 <b>Банк корреспондент:</b> NATIONAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY SWIFT CODE: NBFUAZ2X ACC:20802840300000450007</p>	<p>Tashkent, st. Mirzo Ulugbek, 77 L / s: 400110840262697015100043001 Tax code: 200540541 <b>Payer's bank:</b> CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, TASHKENT address: Tashkent city I. Karimov avenue, 6 SWIFT CODE: CBUZUZ22 MFO 00014 INN 201053774 TASHKENT, UZBEKISTAN <b>Correspondent bank:</b> NATIONAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY SWIFT CODE: NBFUAZ2X ACC: 20802840300000450007</p>
9.4.	<b>Сотувчи:</b>	<b>Seller:</b>
9.5.	<p><b>Xining Jiagedagi Trading Co.,</b> Адрес: № 92,81 West road. Chengdong District, Xining, Qinghai Phone: +86 0971-8141918 Email: xnjgdq918@126.com Почтовый индекс: 810 000</p>	<p><b>Xining Jiagedagi Trading Co.,</b> Add: № 92,81 West road. Chengdong District, Xining, Qinghai Phone: +86 0971-8141918 Email: xnjgdq918@126.com Postal code: 810 000</p>
	<p>Банк реквизитлари: INDUSTRIAL AND COMMERCIAL BANK OF CHINA QINGHAI BRANCH Банк манзили: № 2, Shengli Road Xining, Qinghai, China СТИР: 91630102698511389K SWIFT CODE: ICBKCNBJQHI Bank account number: 2806000329200226328</p>	<p>Bank Details: INDUSTRIAL AND COMMERCIAL BANK OF CHINA QINGHAI BRANCH Address: № 2, Shengli Road Xining, Qinghai, China TAX CODE: 91630102698511389K SWIFT CODE: ICBKCNBJQHI Bank account number: 2806000329200226328</p>
10.	<b>ТОМОНЛАР ИМЗОЛАРИ:</b>	<b>SIGNATURES OF THE PARTIES:</b>
	<p><b>СОТУВЧИ</b> Директор / Director</p> 	<p>西宁市加格达奇商贸有限公司 Xining Jiagedaqi Trading Co., Ltd</p>
	<p>Сағдуллаев Ш.Ш.</p> 	<p>Yang Weng Hui 杨文辉</p>

За селт внейдаг тейлик  
средств  
Яан. ШШ -

2022 йил 22 декабрдаги Xining Jiagedagi Trading Co., ва ЎРФА С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти ўртасидаги 3/2022-сонли Бош келишувга 1-сонли  
**СПЕЦИФИКАЦИЯ**

**SPECIFICATION № 1.**  
to the GENERAL AGREEMENT № 3/2022 dated by 22.12.2022 y between Xining Jiagedagi Trading Co., Ltd, (China) and The Institute of the Chemistry of Plant Substances named acad. S.Yu.Yunusov of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Томонлар товар миқдори, нархи ва умумий киммати бўйича келишувга эришдилар. The Parties have agreed the quantity, price and total amount of the Goods:

**Спецификация/ Specification**

№	Description Таъриф	Ўлчо в бирл иги	Q-ty Миқд ори	HS Code ТНВЭД код	Unit price, 1 ўлчов бирлиги нархи (АҚШ доллари)	Total, Умумий киммати (АҚШ доллари)
1	Шимол парписи илдизпояси билан илдизи (Aconitum Septentrionales) Roots of Aconitum septentrionales ФС 42 Уз-0300-2019	Кг  kg	160 000	1211 90 860 9 (Узбекистан)	7,12	1 139 200
	Тўлов учун жами					1 139 200

Тўлов учун жами: Бир миллион бир юз ўттиз тўққиз минг икки юз долларов США  
Total to be paid: One million one hundred thirty nine thousand two hundred US dollars

Келиб чиқиш мамлакати/Country of origin: Хитой Халқ Республикаси  
Сотувчи/Ишлаб чиқарувчи- Seller/Producer: Xining Jiagedaqi Trading Co., Ltd  
Юкни юборувчи / Shipper: Xining Jiagedaqi Trading Co., Ltd

1-спецификация ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.  
Specification №1 is an integral part of the current contract.

Юкни биринчи юборилиши: ҳар бир партияси учун шартнома имзоланган ва ариза қабул қилиб олинган кундан эътиборан 60 кун мобайнида.

The first shipment date: within 60 days from the date of signing the contract and receiving the application for each party.

Товарни муддатидан олдин юборишга рухсат этилади.  
Early shipment is allowed.

Товарни етказиб бериш муддати: ҳар бир партияси учун шартнома имзолангандан сўнг 90 кун мобайнида.

Goods supply due date: within 90 days after signing the contract for each party.



Буюртмачи/ Buyer:  
Директор / Director

Сагдуллаев Ш.Ш.

Сотувчи/Seller: 达奇商贸有限公司  
Директор / Director

Xining Jiagedaqi Trading Co., Ltd  
Yang Weng Hui

杨文辉  
Yang Wen Hui



Ўзбекистон Республикаси ФА  
Акад.С.Юнусов номидаги  
Ўсимлик моддалари кимёси институти  
директори т.ф.н., проф.Ш.Сагдуллаевга  
бош юрисконсулт Н.Курбановадан

**ЮРИДИК ХУЛОСА**

хужжат амалдаги қонун нормаларига мувофиқлиги тўғрисида

Тошкент ш.

2023 йил 22 декабр

Юридик хизмат томонидан Ўзбекистон Республикаси ФА Акад.С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор Ш.Сагдуллаев ва Xining Jiagedagi Trading Co., Ltd (ХХР) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор жаноб Yang Weng Нии ўртасида Электрон Тендер савдолари яқунларига кўра (etender.uzex.uz/196352-сонли лот) 22.12.2022 йилда тузилган 3/2022-сонли Бош келишув лойиҳаси амалдаги қонун нормаларига мувофиқ тузилганлиги ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорига 1-илова “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда хужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ўрганиб чиқилди ва ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди:

Бош келишув предметига кўра Сотувчи Буюртмачи аризасига биноан Буюртмачининг шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Шимол парписи илдизпояси билан илдизи (Aconitum Septentrionales) ўсимлик хом-ашёсини (Товар) партияларга бўлган ҳолда етказиб беришни, Буюртмачи эса ушбу келишув шартларига мувофиқ товарни қабул қилиб олиш ва товар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Бош келишувнинг умумий нархи 1 139 200 (бир миллион бир юз ўттиз тўққиз минг икки юз) АҚШ долларини ташкил этади.

Бош келишувда товарни етказиб бериш, ҳисоб-китоблар тартиби, жарима санкциялари ва томонларни жавобгарликдан озод қилиш ҳамда баҳсли ҳолатларни ҳал қилиш шартлари белгиланган.

Хужжат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 386-496-моддалари ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талабларини инобатга олган ҳолда тузилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, хужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтган ва томонлар вакиллари уни имзолаши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Бош юрисконсулт



Н.Курбанова